БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 171 (1949)
30 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1961 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Америка журналисти Дрю ПИРСОННИНГ саволига

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЖАВОБИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев якинда Америка журналисти Д. Пирсонни қабул қилиб, у билан суҳбатлашганлиги ҳабар бериб ўтилган эди.

Берлин кризиси бу масала устида Ғарб давлатларининг раҳбарлари билан музокаралар олиб боришнинг мақсадга мувофиқ бўлиб тушуви тўғрисидаги ҳамда бу музокараларни қачон бошлаб юбориш кераклиги ҳақидаги Дрю Пирсоннинг саволига жавобан Н. С. Хрушчев қуйидаги баёнотни берди ва бу баёнот Америка матбуотида босилиб чиқди.

Менинг тушунишимча, Сиз Германия билан сулҳ шартномаси тузилганидан кейин, Ғарбий Берлининг тақдири масаласида социалистик мамлакатлар билан Ғарб мамлакатлари ўртасида бўладиган келишмовчиликни «Берлин кризиси» деб айтаётирсиз. Аввало, шуни ўқтириб ўтмоқчиманки, бу масала Германия масаласини тинч бартараф қилиш тўғрисидаги умумий проблеманинг бир қисмидир холос. Ғарбда мутлақо доиралар томонидан шу масала атрофида кўтарилган ҳамда халқаро кескинликни ва ҳарбий вазиятни кучайтираётган шовқин-сурон Германия билан сулҳ шартномаси тузишни қийинлаштириш мақсадини очиқдан-очиқ кўзламоқда. Шу сабабли, ишни асосий масаладан — Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласидан бошламоқ керак. Шундай қилиш, айниқса шунинг учун ҳам муҳимки, гитлерчилар Германиясига қарши урушган Совет Иттифоқининг ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб турган ва собиқ Германиянинг ҳуқуқан вориси бўлган ҳар иккала немис давлати билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги таклифига Ғарб давлатлари бутунлай нотўғри муносабатда бўлдилар.

Ғарбий Германия ҳукумати бу масалада айниқса душманлик позициясида турибди. Унинг бу ҳаракатини АҚШ, Франция ва Англия ҳукуматлари қувватламоқдалар. Улар Аденауэр ҳукуматининг майлига юриб, Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги оқилона таклифларни рад қилмоқдалар ваҳоланки, бундай шартнома Ғарб давлатларининг манфаатларига асло даҳл қилмайди.

Албатта, агар Германия яхлит бўлиб турганида эди, у билан сулҳ шартномаси имзоланган бўлур эди. Лекин ҳозир яхлит Германия мавжуд эмас. Собиқ гитлерчи рейх (давлат) тупроғида иқтисодий ва сиёсий системалари бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган иккита немис давлати вужудга келди ва бу давлатларнинг ҳар қайсиси ўз йўлидан борди. Ҳозир мен бу масаланинг тарихини кавлаштириб ўтирмоқчи эмасман ва гарчи нега шундай бўлганлиги — АҚШ, Англия ва Франция 1947 йилдаёқ ўзларининг оккупация зоналарини Бизонияга, сўнгра Тризонияга ва нихоят, Германия Федератив Республикасига айлантириш соҳасида бир қанча иқтисодий ва сиёсий тадбирларни ўтказиб, Ғарбий Германияни ажратиб олганликлари ҳақида бизнинг, совет кишиларининг, айтадиган гапларимиз бўлса ҳам, лекин бу хусусда гапириб ўтирмоқчи эмасман. Германиянинг Ғарбида сепарат давлат пайдо бўлиб қолиб, яна бунинг устига бу сепарат давлат дарҳол урушқоқлик, реваншчилик тусини ола бошлаганидан кейин мана шундай фактга дуч келиб қолган Шарқий Германия аҳолиси ҳам ўзининг немис давлатини—Германия Демократик Республикасини вужудга келтирди, бу иккинчи давлат тинчликсевар, демократик характердаги давлат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Европанинг марказида—бизга ёқса ҳам, ёки ёқмаса ҳам,— реал равишда иккита немис давлати мавжуд бўлиб тўрибди ва мана шу фактнинг ўзига асосланиб иш олиб бормоқ керак.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтишим керакки, Германия Демократик Республикасининг ҳукумати бир жойга тўпланиб, музокаралар олиб бориш ва немис миллатини қайта бирлаштиришга олиб борадиган йўлни ишлаб чиқиш зарурлигига Германия Федератив Республикасининг ҳукуматини кўндиришга неча марталаб урниб кўрган бўлса ҳам, лекин шу уринишларнинг биронтаси ҳам муваффақият қозонмади. Германия Федератив Республикасининг ҳукумати Германия Демократик Республикасининг ягона герман давлати тузиш тўғрисидаги ҳар қандай таклифини кўриб чиқишни қатъий рад қила берди.

Ғарбий Германия ҳукуматининг шундай позиция тутганлигига сабаб нима? Буни фақат бир сабаб билан изоҳлаш мумкин: Ғарбий Германия ҳукумати герман миллатини тинч бирлаштиришдан бош тортиб, Германия Демократик Республикасини зўрлик билан босиб олишни ният қилмоқда. Лекин бу республикани ютиб юборишга уриниш жазосиз қолмаслиги ҳар кимга равшан-ку. Ахир, у ёлғиз эмас-ку, унинг содиқ иттифоқчилари бор, бу иттифоқчилар уни бошига кулфат тушганида, ёлғизлантириб қўймайдилар.

Яна шу нарса ҳам маълумки, Ғарбий Германиянинг ҳам ўз иттифоқчилари бор, у ўзининг шу иттифоқчилари билан агрессив НАТО пакти орқали боғланган. Бундай шароитда Ғарбий Германия Германия Демократик Республикасига ҳужум қиладиган бўлса, бундай ҳужум маҳаллий конфликт бўлиб қолмас эди, балки тарихда мисли кўрилмаган термоядро урушини бошлаб юборган бўлур эди. Бу урушда бир-бирига қарама-қаршо бўлиб турган ҳар иккала лагернинг ҳамма давлатлари қатнашган бўлур эди.

Бас шундай экан, вужудга келган шу вазиятда нима қилишимиз керак? Германия қайта бирлашади, деб кутиб ўтира бериш керакми? (Сиз кўриб турибсизки, бундай қайта бирлашиш фақат дақшатли уруш йўли билан вужудга келиши мумкин) ёки бу масалани ҳадеб орқага сура бермай, реал мавжуд бўлиб турган ҳар иккала давлат билан шартнома имзолаш керакми?

Биз бу масалани ортиқ орқага чўзиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи жаҳон урушига хотима берадиган ва ҳар иккала немис давлатининг чегараларини мустаҳкамлаб қўйдиган сулҳ шартномасини имзолаш реваншчиларнинг қўлини боғлаб қўяди ва уларнинг авантюралар қилиш йўлини тўсиб қўяди. Аксинча — бу иш яна орқага чўзиладиган бўлса, бунг Ғарбий Германиянинг реваншчи доиралари агрессияга, уруш бошлаб юборишга рағбатлантириш, деб ҳисоблайдилар.

Шунинг учун ҳам биз Германия сулҳ шартномасини тузиш масаласини орқага сура бериш чек қўйилик, деган қарорга келдик. Агар Германия Федератив Республикасининг ҳукумати шу шартномани имзолашдан бундан буён ҳам бош торта берса, бу шартнома Германия Демократик Республикаси билан имзоланади. Германия Демократик Республикаси бу шартномани имзолашга ҳозир розилик бериб қўйди. Бу шартнома Потсдам битими белгилаб берган чегараларни мустаҳкамлайди ва Германия Демократик Республикаси иккинчи жаҳон уруши қолдиқларининг юкидан қутулиб, ўз территориясида суверенитетни тўла равишда амалга оширадиган бўлиб қолади.

Энди — Ғарбий Берлининг тақдири тўғрисида. Илгари айтиб ўтганимдек, Ғарбий Берлин масаласи Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги умумий масаланинг бир қисмидир. Германия Демократик Республикасига айлантириш соҳасида бир қанча иқтисодий ва сиёсий тадбирларни ўтказиб, Ғарбий Германияни ажратиб олганликлари ҳақида биз, совет кишиларининг, айтадиган гапларимиз бўлса ҳам, лекин бу хусусда гапириб ўтирмоқчи эмасман. Германиянинг Ғарбида сепарат давлат пайдо бўлиб қолиб, яна бунинг устига бу сепарат давлат дарҳол урушқоқлик, реваншчилик тусини ола бошлаганидан кейин мана шундай фактга дуч келиб қолган Шарқий Германия аҳолиси ҳам ўзининг немис давлатини—Германия Демократик Республикасини вужудга келтирди, бу иккинчи давлат тинчликсевар, демократик характердаги давлат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Европанинг марказида—бизга ёқса ҳам, ёки ёқмаса ҳам,— реал равишда иккита немис давлати мавжуд бўлиб тўрибди ва мана шу фактнинг ўзига асосланиб иш олиб бормоқ керак.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтишим керакки, Германия Демократик Республикасининг ҳукумати бир жойга тўпланиб, музокаралар олиб бориш ва немис миллатини қайта бирлаштиришга олиб борадиган йўлни ишлаб чиқиш зарурлигига Германия Федератив Республикасининг ҳукуматини кўндиришга неча марталаб урниб кўрган бўлса ҳам, лекин шу уринишларнинг биронтаси ҳам муваффақият қозонмади. Германия Федератив Республикасининг ҳукумати Германия Демократик Республикасининг ягона герман давлати тузиш тўғрисидаги ҳар қандай таклифини кўриб чиқишни қатъий рад қила берди.

Ғарбий Германия ҳукуматининг шундай позиция тутганлигига сабаб нима? Буни фақат бир сабаб билан изоҳлаш мумкин: Ғарбий Германия ҳукумати герман миллатини тинч бирлаштиришдан бош тортиб, Германия Демократик Республикасини зўрлик билан босиб олишни ният қилмоқда. Лекин бу республикани ютиб юборишга уриниш жазосиз қолмаслиги ҳар кимга равшан-ку. Ахир, у ёлғиз эмас-ку, унинг содиқ иттифоқчилари бор, бу иттифоқчилар уни бошига кулфат тушганида, ёлғизлантириб қўймайдилар.

Яна шу нарса ҳам маълумки, Ғарбий Германиянинг ҳам ўз иттифоқчилари бор, у ўзининг шу иттифоқчилари билан агрессив НАТО пакти орқали боғланган. Бундай шароитда Ғарбий Германия Германия Демократик Республикасига ҳужум қиладиган бўлса, бундай ҳужум маҳаллий конфликт бўлиб қолмас эди, балки тарихда мисли кўрилмаган термоядро урушини бошлаб юборган бўлур эди. Бу урушда бир-бирига қарама-қаршо бўлиб турган ҳар иккала лагернинг ҳамма давлатлари қатнашган бўлур эди.

Бас шундай экан, вужудга келган шу вазиятда нима қилишимиз керак? Германия қайта бирлашади, деб кутиб ўтира бериш керакми? (Сиз кўриб турибсизки, бундай қайта бирлашиш фақат дақшатли уруш йўли билан вужудга келиши мумкин) ёки бу масалани ҳадеб орқага сура бермай, реал мавжуд бўлиб турган ҳар иккала давлат билан шартнома имзолаш керакми?

Биз бу масалани ортиқ орқага чўзиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи жаҳон урушига хотима берадиган ва ҳар иккала немис давлатининг чегаларини мустаҳкамлаб қўйдиган сулҳ шартномасини имзолаш реваншчиларнинг қўлини боғлаб қўяди ва уларнинг авантюралар қилиш йўлини тўсиб қўяди. Аксинча — бу иш яна орқага чўзиладиган бўлса, бунг Ғарбий Германиянинг реваншчи доиралари агрессияга, уруш бошлаб юборишга рағбатлантириш, деб ҳисоблайдилар.

Шунинг учун ҳам биз Германия сулҳ шартномасини тузиш масаласини орқага сура бериш чек қўйилик, деган қарорга келдик. Агар Германия Федератив Республикасининг ҳукумати шу шартномани имзолашдан бундан буён ҳам бош торта берса, бу шартнома Германия Демократик Республикаси билан имзоланади. Германия Демократик Республикаси бу шартномани имзолашга ҳозир розилик бериб қўйди. Бу шартнома Потсдам битими белгилаб берган чегаларни мустаҳкамлайди ва Германия Демократик Республикаси иккинчи жаҳон уруши қолдиқларининг юкидан қутулиб, ўз территориясида суверенитетни тўла равишда амалга оширадиган бўлиб қолади.

Энди — Ғарбий Берлининг тақдири тўғрисида. Илгари айтиб ўтганимдек, Ғарбий Берлин масаласи Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги умумий масаланинг бир қисмидир. Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин эркин шаҳар статусини олади ва ўз тақдирининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб қолади. Унинг аҳолиси ўзи қандай ижтимоий, сиёсий ва социал тузумни хоҳласа, шундай тузум шароитида яшайдиган бўлиб қолади. Ғарбий Берлининг ишларига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаки йўқлигини ва унинг аҳолисига ўз тартибларини ўрнатиб қабул қилдиришга ҳеч кимнинг ҳаки йўқлигини ёзиб қўйишни таклиф қилаётирмиз.

Масаланинг бу тахлитда ҳал қилиниши, Ғарбий Берлин аҳолиси турмуш тартибини танлашга тўла эркин ва мустақил бўлиши лозим, деб қайта-қайта гапириб келган Ғарб давлатларига тўла маъқул бўлиб тушуви лозим эди. Лекин шунга қарамай, Ғарб давлатларининг раҳбарлари бизнинг таклифларимизга қаттиқ қарши чиқмоқдалар. шу билан бирга, Ғарбий Берлин масаласи атрофида ҳарбий васвасага яқинлашиб қолган мислсиз шовқин-сурон кўтармоқдалар.

Хўш, улар нимадан норозиликка сабаб шуки, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлинга эркин шаҳар статусини бериш оккупация статусига ўзгартирилиши ҳақидаги таклифимизнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳеч кимга ҳеч нарсани ўзгартирмаслиги ҳаммамизга равшан

XXII Съездолди МИНБАРИ

КПСС ПРОГРАММА ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИ МУҲОКАМАДА



Оҳангаронда ихтисослаштирилган янги темир-бетон буюмлари заводи қурилаяпти. Завод саноат корхоналари типовой биноларини йиғиш учун блок ва деталларнинг тўла комплектини тайёрлаб беради. Партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора қизитаётган қурувчилар заводни йил охиригача фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. Суратда: 1. (чапдан) завод бош корпусини монтаж қилиш пайти. 2. Завод қурилишининг умумий кўриниши. В. Баскаков фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИНИНГ ОЛИЙ ПРИНЦИПИ — ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НОРМАЛ ИШЛАШИНИНГ, КАДРЛАРНИ ТЎҒРИ ТАРБИЯЛАШНИНГ, КОММУНИСТЛАР АКТИВЛИГИ ВА ТАШАББУСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИ БЎЛГАН КОЛЛЕКТИВЛИКДИР. ПАРТИЯДА ШАХСГА СИҒИНИШГА ВА БУНИНГ ОРҚАСИДА ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИНИ БУЗИШЛАРГА ЙЎЛ ҚУРИЛМАСЛИГИ КЕРАК, БУНДАЙ ҲОЛЛАР ПАРТИЯ ҲАЕТИНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПЛАРИГА ХИЛОФДИР.

(КПСС Устави проектидан)

ПАРТИЯВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР КУЧАЙТИРИЛСИН

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Конференция делегатлари Тошкент область партия комитетининг секретари Ўртоқ С. М. Веселовнинг «КПСС янги Программаси проекти ҳақида» ва район партия комитетининг секретари Ўртоқ Х. Обидовнинг КПСС Устави проекти ҳақидаги докладларини тингладилар ва кенг муҳокама қилдилар. Ҳар икки масала юзасидан музокарада қатнашган делегатлар партия Программаси ва Устави проектлари районнинг саноат корхоналарида, колхоз, совхозларида, ташкилот ва муассасаларида қандай ўрганилаётганлиги ва бу ҳужжатлар яратувчилик меҳнати билан шуғулланаётган совет кишиларида сиёсий ва меҳнат активлигини нечоғлик кучайтириб юборганлигини зўр ифтихор билан гапирдилар.

Партиямиз Программаси проектида,— деди ГЭС Каскади партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Матешев,— Коммунизм жамияти қуриш йўллари, метод ва усуллари, халқ фаровонлигини тўхтовсиз юксалтиришнинг режалари донолик билан белгилаб берилган. Каскад коллективи КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, съезд очилиш кунигача йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди.

— Программа проектида,— деди «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эгамназаров, — қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш, айниқса ҳосилдорликни ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Биз қишлоқ хўжалиги ишларида механизацияни кенг қўллаб, бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирамиз. 220 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» топширамиз.

Конференцияда райкомнинг ҳисобот докладини қилган район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Қ. Маҳкамованинг таъкидлаб ўтишича, КПСС XXII съезди шарафига зўр ғайрат билан меҳнат қилаётган район саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари етти ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 104 процент бажардилар. 1 миллион 514 минг сўмликдан кўпроқ қўшимча маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги анча ошди, маҳсулот таннархи камайди.

КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съезди шарафига бошланган мусобақада «Ташавтомаш» заводи, республика электромеханика устахонаси олдинда бормоқда. 150 бригада, 30 цех ва участкалар коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олиш учун курашмоқда.

Район пиллачилари давлатга пилла сотиш мажбуриятини ошириб бажардилар.

«Қизил Ўзбекистон», Ленин номли ва «Маданият» колхозларининг меҳнатсевар колхозчилари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар.

Ҳисобот даврида партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишлар бирмунча яхшиланди. Партия ташкилотлари сон жиҳатдан ўсди, ташкилий томондан мустаҳкамланди. Бошланғич партия ташкилотлари идеология ишларини турмуш билан маҳкам боғлаб олиб боришга эътиборни кучайтирдилар.

Бироқ партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларда, хўжаликка конкрет раҳбарлик қилишда бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Райондаги 2-гишт заводи ва Қўйлиқ карьери ишлаб чиқариш топшириқларини бажармаяпти. Навоий номли, «Сталинград» колхозлари ҳамда «XXI партсъезд» совхози қолоқликдан чиқмаётир. Бунга энг асосий сабаб — мазкур хўжаликларда партиявий-сиёсий ишлар кучайтирилмаганлиги, кадрларга талабчанлик бўшлигидир.

Музокарада сўзга чиққан А. Каримов, М. Йўлдошева, А. Тоиров, Т. Нормуҳамедов, М. Султонов, Эргашев ва бошқа ўртоқлар район партия комитети фаолиятидаги ана шундай жиддий камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар.

Конференцияда район партия комитетининг янги состави сайланди.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида Қ. Маҳкамова, Н. Г. Белоноговлар, Х. Обидов ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайланди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИГА ТАЯНИБ, СОЦИАЛИЗМ ҒАЛАБАЛАРИНИ, БУТУН ДУНЕДА ТИНЧЛИК ИШИНИ ОҒИШМАЙ ВА ҚАТТИҚ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА, ИНСОНИЯТНИ АГРЕССИВ УРУШЛАРДАН УЗИЛ-КЕСИЛ ҚУТҚАРИШ УЧУН ХОРМАЙ-ТОЛМАЙ КУРАШМОҚДА. ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПИ СОВЕТ ДАВЛАТИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ БОШ ПРИНЦИПИ БЎЛИБ КЕЛДИ ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

(КПСС Программаси проектидан)

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

РАДИАКТИВ ИЗОТОП ВА ЙОД МЕДИЦИНАДА

«Медицина проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш эҳтиёжлари муносабати билан биология фанларининг бутун комплексини ривожлантиришда олга томон катта қадам ташланади» дейилади партиямиз янги Программасининг проектида. Дарҳақиқат аҳоли саломатлигини сақлаш, илғор фан ютуқларидан медицинада кенг фойдаланиш вазифаси — биз олимлар олдида турган улкан вазифалардир.

Моддалар алмашувини, микроорганизмларни ўрганиш, кишилар ҳаёти учун хавфли бўлган касалликларнинг олдини олиб қоладиган воситаларни топишимиз зарур.

Республикамиз олимлари бу соҳада кўпгина илмий-текшириш ишлари олиб бориб самарали натижаларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, ўлка медицинаси институти лабораториясида олиб борилаётган қалқонсимон безларни радиоактив йод билан даволаш масаласини олайлик.

Одам ва ҳайвонлар организмининг физиологик функцияларини тартибга солиш ва идора қилиб туришда нерв системаси билан биргаликда ички секция безлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу безлар ишлаб чиқарадиган гормонлар деб аталувчи кимёвий моддаларни узлуксиз қон оқимига ажратиб туради. Ички секция (эндокрин) безлари системасининг энг муҳим элементларидан бири қалқонсимон бездир. Бўйнининг олд қисмига жойлашган бу без 25—30 грамм келади. У организмда йод алмашувини бошқарадиган асосий организмидир. У айни вақтда организмнинг ўсиши, ривожланиши ва модда алмашинувига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Қалқонсимон безга боғлиқ бўлган бўқоқ ва базед касаллиги медицинада аввалдан маълум. Бўқоқ одатда эндемик касаллик сифатида учрайди. Унинг пайдо бўлиш сабаби асосан ташқи муҳитга боғлиқдир. Озиқ-овқат, тупроқ, сув ва ўсимликларда йод моддасининг етишмаслиги натижасида бу касаллик пайдо бўлади. Чинки, бўқоқ эндемиясининг кучсизланиши озиқ-овқат орқали организмни етарли миқдорда йод билан таъминлайди. Шунингдек, санитария-гигиена шароитлари ҳам ана шу процессга боғлиқдир.

Бўқоқ ва тиреотоксикозга улар хусусиятининг бузилишига ва функциясига қараб иккита алоҳида касаллик деб қаралади. Агар бўқоқ касаллиги без паренхимосининг ортиқча ўсиб кетиши натижасида пайдо бўлса, тиреотоксикознинг келиб чиқиши безнинг ортиқча ишланиши билан изоҳланади. Лекин шу вақтгача без тўқимасининг ўсиб кетишига сабаб бўладиган барча факторлар тўла аниқланмаган.

Қалқонсимон безнинг физиологияси ва патологиясини ўрганишга бундан тахминан 20 йил муқаддам киришилган. Медицина практикасида ишлатилган радиактив йод ёрдамида даволаш методи қўлланилган. Радиактив йод оддий йод элементининг парчаланиб, ўзидан ядро нурлари ажратиб турадиган изотопидир. Табиий йод ва радиактив изотопнинг атомлари доимо парчаланиб туради. Лекин бу икки изотопнинг биологик жиҳатдан фарқи йўқ. Радиактив йод атоми эса доимо ядро нурлари ажратиб туради. Шу нурлар оқими унинг организмдаги йўлини осонлик билан бошқаради.

Кейинги 10—15 йил давомида тадқиқотчилар бир қатор функционал фактларни очишга муваффақ бўлдилар. Эндиликда йоднинг организмга жуда тезликда сурилиши ва қалқонсимон безда тарқалишининг илмий асослари ишлаб чиқилди. Қалқонсимон без гормони тироксинни қон орқали барча органларга юбориш мумкинлиги ҳам тажрибада исботланди. Қалқонсимон бездан трийодтиронин моддасининг ажралиш процесси ҳам аниқланди.

Ҳозир ана шу проблемалар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўлка экспериментал медицина институти бўқоқ лабораторияси ва унинг стационарида ўрганилмоқда. Бу ерда ана шу касаллик билан оғриган беморларни хирургия усули ва керак бўлганда радиоактив йод билан даволаш кенг йўлга қўйилди. Базед касаллигини даволашда радиоактив йод муҳим роль ўйнайди. У, хирургия йўли билан ёрдам беришга қараганда анча афзал томонларга ҳам эга. Эндемик бўқоқ лабораторияси даволаш ишларини чуқур илмий-текшириш билан бирга олиб бориб, фан соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришди. Шу йили олим Р. Исломбековнинг «Индемик бўқоқни текшириш» номли монографияси босилиб чиқди.

Биокимё лабораториясида қалқонсимон без устида яна бир қатор бошқа текширишлар ҳам олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда Тошкент қалқонсимон безнинг физиологияси ва патологиясини ўрганиш соҳасида мамлакатимиздаги энг йирик марказлардан бири бўлиб қолди. Ўтган йили Ўлка экспериментал медицинаси масаласига бағишланиб ўтказилган илмий сессияда ҳам лаборатория олимларининг бу соҳадаги тадқиқотлари юқори баҳоланди.

Ё. ТУРАҚУЛОВ,
Ўлка медицинаси институти биокимё лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори.

КИМЁГАРЛАР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ФАҚАТ БИРИНЧИ СОРТГА

Чирчиқ электро кимё комбинатининг коллективи Москва меҳнаткашларининг дунёда энг сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошлаган қимматли ташаббусни қизғин маъқуллаб, бу соҳада талайгина ишлар қилмоқда.

Кимёгарлар ўз устларига янги мажбурият олиб, барча ассортименддаги маҳсулотни, жумладан аммиак, аммиак суви, активлаштирилган кўмир, олтингугурт ва бошқа хил маҳсулотларни фақат биринчи сорт билан ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

— Ўз устимизга олган ана шу мажбуриятни бажариб, жонажон партиямизнинг навбатдаги XXII съездига муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш ниятидамиз,— деди комбинат партия комитетининг секретари Ўртоқ Саид Аҳмедов.

Ҳозир корхонада бу мажбуриятни бажариш юзасидан бир қанча техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Октябрь ойида маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларининг конкурсини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Кўпгина цехларда ишлаб чиқариш илғорларига тайёрланган маҳсулотни техника контроли бўлимининг текширишисиз топшириш ҳуқуқи берилган.

ВАҚТНИ ТЕЖАШ ҲИСОБИГА

Съездолди меҳнат вахтасида туриб ишлаётган кимёгарлар орасида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган таклифлар билан чиқувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда 7-цехдаги ўртоқ Р. Эгамбердиев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар бир ишлаб чиқариш операциясида вақтни тежаш ҳақидаги ташаббусни бошладилар.

Бригада аъзолари илгари қўл кучи билан бажариладиган ва кўп куч талаб қиладиган ин процессларини механизациялаш туфайли вақтни тежашга эришмоқдалар. Жумладан, ваннага жойланаётган деталларни маҳкамлаш усулини ўзгартирдилар, эритма ҳосил қилувчи мосламани механизациялаштирдилар. Натижада бригаданинг меҳнат унумдорлиги ўртача 1,5 ҳисса кўпайди. Шу туфайли бу бригада аъзолари шу кунларда смена топшириқларини 150—160 процентдан адо этаётирлар.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Комбинатнинг катализатор цехи коллективи янги мажбурият олди. «Пахтакор дўстларимизга машина терими мавсуми бошлангунга қадар 60 тонна дефолиант етказиб берамиз!»— уларнинг аҳди ана шундай.

Машина теримига мослаштириш учун гўзанинг баргини тўкишда қўлланиладиган дефолиант тайёрлаб берувчи цианамид установкасининг ишга туширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ аҳдига вафодор коллектив ўз устига олган мажбуриятининг қарийб ярмидан кўпроғини адо этиб қўйди. Аппаратчилардан Ҳ. Жўраев, Т. Лапина, лаборатория ходимлари Санақулова, Леоновалар бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программасининг проектидан руҳланган кимёгарлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ ишлаб, мамлакатимизда инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунистик жамият қуриш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун астойдил бел боғлаганлар.

Н. МАТВЕЕВА.

Планлаштириш пухта бўлсин

КПСС янги Программаси проектида халқ хўжалигининг барча тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш, уни унумли ишлайдиган ва такомиллашган асбоб-ускуналар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан жуда катта вазифалар белгиланган. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши иш жараёнларининг механизация даражасига боғлиқ. Ҳозирги вақтда қўл кучи билан бажарилаётган барча операцияларни тўла машиналаштириш лозим. Бунга эришиш учун кўплаб янги машина ва агрегатлар, асбоб-ускуналар тайёрланиши керак. Шунинг учун ҳам партиямиз Программасининг проектида машинасозлик саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифа деб кўрсатилган.

Жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бу вазифани тўла бажариш учун машинасозлик корхоналарида ташкилий-техникавий тадбирлар кенг амалга оширилиши, ички резервлардан фойдаланиш янада яхшиланиши, ҳозирги вақтда ишимизга ҳалақит бораётган камчиликлар бартараф этилиши лозим. Ана шу камчиликларнинг айримлари ҳақида гапириб ўтмоқчиман.

Планлаштириш жуда муҳим масала. План қанчалик пухта ва ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, шароити ҳамда имкониятларини тўла назарга олиб тузилса шунча яхши. Лекин шундай бўлмаётир. Айрим ҳолларда планлар корхона имкониятларини чуқур ўрганмасдан кўр-кўрона тузилмоқда. Бундай планнинг на заводга, на давлатга фойдаси тегади.

Заводимиз сўнгги йиллар ичида биринчи марта ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш етти ойлик давлат планини бажара олмади. Бунинг учун асосан корхона коллективи айбдор. Лекин айбнинг бир қисми Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашининг Машинасозлик саноати бошқармаси ва республика Госпланининг машинасозлик корхоналари ишини планлаштириш бўлими зиммасига тушади. Чунки улар заводнинг ҳақиқий аҳволини, унинг ривожланиш хусусиятларини ҳамда имкониятларини тўла билмайдилар, корхона билан яқиндан алоқада бўлмайдилар, планларни ишлаб чиқаришни чуқур ўрганмаган ҳолда тузадилар.

Масалан, завод июль ойи топширигини бажармади, 263 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Чунки, планда қайси маҳсулотдан шунча сўмлик тайёрлаш кераклиги кўрсатилмаган эди. Август ойида ҳам аҳвол шундай бўлди. Совнархоз ходимлари планда номенклатура бўйича қайси маҳсулотдан 382 минг сўмлик ишлаб чиқариш лозимлигини кўрсатмадилар. Шунинг учун ҳам товар ишлаб чиқаришни муваффақиятли адо этаётган коллективимиз ялпи маҳсулот тайёрлаш планини бажараолмай келяпти. Совнархоз ва унинг Машинасозлик саноати бошқармаси раҳбарлари культиваторлар ва қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган бошқа машиналардан қўшимча 382 минг сўмлик ишлаб чиқариш тўғрисида заводга кўрсатма беришлари мумкин эди-ку, ахир. Аммо, жуда кўп илтимосларимизга қарамай, бундай қилишмади.

Нотўғри планлаштириш оқибатида биз асосий ишдан қолиб, планни тўлдириш учун қандайдир нажот йўлини топиш билан шуғулланишга мажбур бўлдик. Бу гал биз ўз билгимизча культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни бир мунча кўпайтирдик. Аммо, барибир планни тўлдираолмадик.

Нотўғри планлаштиришнинг яна бир салбий оқибати ҳақида мисол келтирмоқчиман. Сўнгги йилларда заводимиз планига техник ҳужжатлари тайёрланмаган айрим қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш киритиб келинмоқда. Масалан, ўтган йили план бўйича «6Т-10» маркали лентали транспортёр, «ЧВХ-4» маркали чеканка машинаси ишлаб чиқаришимиз лозим эди. Бироқ, бу машиналарнинг техник ҳужжатлари пухта ишлаб чиқилмаган, машиналар ҳақиқий синовдан ўтмаган эди. Натижа нима бўлди? Биз пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросидан техник ҳужжатларни ҳамда чертёжларни тезда юбориши талаб қилдик. Сўнг, биз бу машиналарни оммавий суратда ишлаб чиқара бошладик, бироқ улар фойдаланишга ярамаслик ярақли бўлиб чиқмади. Бу йил эса ана шу машиналар конструкцияси қайта кўриб чиқилди. Завод катта маблағ сарф қилган ҳолда уларни ишлаб чиқаришни қайта ташкил этмоқда.

КПСС Программасининг проектида бундай деб кўрсатилган: «Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш хўжаликка раҳбарлик қилишни такомиллаштириши талаб қилади. Хўжаликни планлаштириш ва унга раҳбарлик қилишнинг барча звеноларида асосий эътибор моддий меҳнат ва молия ресурсларидан, табиий бойликлардан энг рационал ва самарали суратда фойдаланишга ва ортиқча чиқимларни йўқотишга қаратилиши керак. Жамият манфаатларини кўзлаб, жуда кам ҳаражат қилиб энг катта натижаларга эришиш — хўжалик қурилишининг қатъий қонуни ана шудир».

Партия таъкидлайдики, хўжаликка раҳбарлик қилиш методини такомиллаштирмай, планлаштиришни яхшиламай туриб саноатни кескин ривожлантириш соҳасида салмоқли ютуқларга эришиб бўлмайди. Демак корхоналар ишини планлаштиришни тўғри ташкил этиш лозим.

Заводлар борган сари янги техника билан қуролланмоқда, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати тинмай ошиб бормоқда. Бироқ планлаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар планни белгилашда буни эътиборга олмаётирлар. Бу эса кўпгина корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биз заводларнинг давлат планларига конструкцияси синовдан муваффақиятли ўтган ва яхши эксплуатация хусусиятига эга бўлган машиналар ишлаб чиқаришни киритишни таклиф қиламиз.

В. СУПИТАЛЕВ,
«Чирчиксельмаш» заводининг бош инженери.

Тошкентдаги 1-босмахона коллективи янги ўқув йили муносабати билан 1-8 синф ўқувчилари учун рус ва ўзбек тилларида 2 миллион 80 минг дона дарслик босиб чиқарди. Бу планда белгиланганидан 400 минг нусхадир. Суратда: контролёрлардан Валя Устименко ва Мавжуда Расулова ўртоқлар янги китобларни хилларга ажратмоқдалар.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ УЧИНЧИ СЪЕЗДИ

МАШИНАДА 600 МИНГ ТОННА ПАХТА ТЕРИШ— ҲОЗИРГИ КУННИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАСИ

(Боши биринчи бетда)

Маълумки, етти йилликнинг биринчи йили пахта теримини машиналаштириш ишида бурилиш йили бўлган эди. Колхоз ва совхозлар ўтган икки йил мобайнида машинада 800 минг тоннадан кўпроқ ёки бундан аввалги йилларда (1950-1958 йилларда) териб олинган ҳамма пахтадан қарийб икки баравар кўп пахтани териб олиб, ўз мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Кўпгина колхоз ва совхозларда машинада пахта териш ҳозирдаёқ хўжаликни бошқариш практикасидан мустаҳкам ўрин олди. Масалан, «Малик» совхози 1960 йилда барча ҳосилнинг 74 процентини, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 60,5 процентини машинада терди. 1-«Боёвут», «Ҳазорбоғ», «Совой», Киров номли совхозларда механизмлар улушига 4-5 минг тонна ва бундан ҳам кўпроқ пахта тўғри келади. Умуман республика совхозларида ҳосилнинг учдан бир қисми техника ёрдамида териб олинди.

Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози техникадан моҳирлик билан фойдаланишда ажойиб ибрат кўрсатмоқда. Бу колхоз ўтган йили етиштирилган бутун ҳосилнинг 80 процентини машинада терди.

Механик-ҳайдовчиларнинг маҳорати анча ошди. 200 дан ортиқ механизатор ўтган йили мавсумда 100 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта териб берди. Донгдор механизаторлардан Соцялистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Меликўзи Умрзоқовлар бизда пахта териш техникасидан моҳирлик билан фойдаланиш мусобақасига етакчилик қилиб бормоқдалар. Уларнинг издошлари — «Малик» совхозидан Жавод Кучиев, «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан Қурбон Кенжаев, Марҳамат районидаги Свердлов номли колхоздан Мўттихон Жумабоева, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозидан Матлуба Назарова, «Ромитан» совхозидан Раҳмат Йўлдошев, Денов районидаги Раҳимов номли колхоздан Бозор Хўжаев, Хазорасп районидаги «Коммунизм» колхозидан Ҳалима Ҳошимова, Хева районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Машариф Иброҳимов, Қўнғирот районидаги Жданов номли совхоздан Марям Есенбоева ва бошқа илғорлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Партия ва ҳукумат механизаторларнинг меҳнат соҳасидаги қаҳрамонлигини юксак даражада тақдирлаб, — энг яхши механизаторлардан 197 киши Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди, уларнинг катта бир группаси республика Олий Советининг Фахрий ёрлиқларини олишга сазовор бўлди, айрим механизаторларга эса Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор фахрий унвони берилди.

Илғор механик ҳайдовчиларнинг, машҳураларимизнинг тажрибаси шуни яққол кўрсатмоқдаки, ҳозирги шароитда пахта териш техникасидан тўғри фойдаланилса, теримда меҳнат унумдорлиги 2-3 баравар ортади ва ишларнинг таннархи 15-25 процент камаяди, терим муддатларини анча қисқартириш ҳамда келаси йили мўл ҳосил олиш учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имконияти туғилади.

Машина теримини аъло даражада ўтказиш — механизаторларимиз учунгина эмас, балки барча колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари учун жиддий имтиҳон ҳисобланади. Бу имтиҳондан муваффақиятли суратда ўтмоқ учун далаларни, техникани, кадрларни ўйлаб-пишиқ ва ишчанлик билан тайёрлаш мажбуриятини олдиндан кўришлиги, ҳар бир машина ишини ҳисобга олиб, ишчи-ходимларнинг ишини ташкил этиш, ҳар бир машинанинг

Америка журналисти Дрю ПИРСОННИНГ саволига

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЖАВОБИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Шу муносабат билан Япония билан сулҳ шартномаси қай тахлитда тузилганлигини эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Америка Қўшма Штатлари билан биргаликда биз ҳам Японияга қарши уришган эдик. Совет Армияси япон қўшинларининг асосий ядросини — Манчжуриядаги Квантун армиясини тор-мор келтирган эди. Япония таслим бўлганидан кейин, Совет Иттифоқи Японияннинг урушдан кейинги ривожланишини контроль қилиб туриш тадбирларини Америка Қўшма Штатлари ва бошқа иттифоқчилар билан биргаликда ишлаб чиқди. Совет вакиллари Токиодаги Иттифоқ Кенгашининг ишида жуда актив қатнашдилар. Сулҳ тузиш пайти келганида эса, АҚШ. Совет Иттифоқи билан ҳисоблашмай, сепарат шартнома имзолади. АҚШ Япония учун тузилган Иттифоқ Кенгашини ўзлигича тугатиб юборди ва совет вакилларини Токиодан сиқиб чиқара бошлади. Гарчи бизнинг зиммамизда Японияннинг таслим бўлишидан келиб чиққан муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўлса ҳам ва булар тегишли битимларда кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам, лекин Иттифоқчиларимиз бу билан ҳисоблашмадилар.

Бас шундай экан, Ғарб давлатлари қар якка немис давлати билан сулҳ шартномасини имзолашдан бош тортганлари тақдирда, Республикаси билан сулҳ шартномаси тузиш ниятимизни ҳозир АҚШ ва унинг Иттифоқчилари не ға қонунга сиғмайдиган ният, деб кўрсатишга уринмоқдалар? Америка Қўшма Штатлари ўзига ёққан нарсани қонуний деб эълон қилмоқда; АҚШ ўзининг фикрича, ўзига тўғри келмайдиган нарсани қонунга сиғмайдиган нарса, деб атамоқда. Бунда қандай мантиқ бор?

Хуллас, шу нарса мутлақо равшандирки, Ғарб давлатлари халқаро кескинликни тағин ҳам кўпроқ кучайтиришга ва Совет Иттифоқига ҳамда умуман, социалистик лагерга қарши уруш бошламоқ учун важ қидириб, бу масала атрофидаги низони сунъий равишда авж олдирмоқдалар ва уруш вассасини кучайтирмоқдалар. Уларнинг Ғарбий Берлин аҳолисининг эркинлигини ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун курашаётгимиз, деган гаплари бутунлай сохта гаплардир, чунки бу эркинлик ва мустақилликка ҳеч ким таҳдид қилаётгани йўқ.

Биз айтиб келган гапимизни яна такрор айтамиз: келинглар, сулҳ шартномасини имзолайлик, Ғарбий Берлин учун эркин шаҳар статусини жорий қилайлик, унга зарур гарантияларнинг ҳаммасини берайлик. Яна бунинг устига биз шу гарантияларни амалга оширишга ўзимиз қатнашишга тайёрмиз. Шу гарантияларни қувватламоқ учун АҚШ, Англия, Франция ва Совет Иттифоқининг символик қўшинлари Ғарбий Берлинда туришига ҳам розилик беришга тайёрмиз. Бу қўшинлар унчалик кўп бўлмаслиги, номигагина турган символик қўшинлар бўлиши лозим, чунки эркин шаҳар статусини гарантияламоқ учун Ғарбий Берлинда катта қуролли қучлар талаб қилинмайди. Бу ҳолда мазкур аскарий қисмларнинг коммуникациялари бемалол бўлиши тўғрисида Германия Демократик Республикаси ҳукумати билан битимга келиш мумкин бўлур эди.

Гапнинг пўст калласи: Германия масаласидаги бизнинг позициямиз мана шу, биз мана шу нарса учун курашмоқдамиз. Мен шу нарсани қайта-қайта уқтириб ўтмоқчиманки, биз иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишга ҳаракат қилмоқдамиз, Европадаги вазият, бинобарин, бутун дунёдаги вазият ҳам тозаланишини истаймиз, жаҳоннинг ҳамма халқлари соф ҳаво билан нафас олишини истаймиз, ҳаётнинг ҳаммасидан холи бўлиб яшашларини истаймиз.

Худди шунинг учун ҳам Совет ҳукумати ҳамда гитлерчилар Германиясига қарши урушда қатнашган бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳукуматлари Германия сулҳ шартномасини имзолашни энди ортиқ орқага сурмасликка қатъий қарор қилиб қўйдилар. Агар Ғарб давлатлари сулҳ шартномасини имзолашни истамасалар, бунга биз афсусланамиз. У ҳолда биз сулҳ шартномасини Германия Демократик Республикаси билан имзолашга мажбур бўлиб қоламиз.

Музокараларни қачон ўтказиш яхшироқ бўлур эди, деб савол бердингиз. Мен бунга нима дейишим мумкин? Германия сулҳ шартномаси масаласини ҳал қилишни асло кечиктириб бўлмаслигини ўзингиз тушуниб турибсиз. Шу сабабли, агар Ғарб давлатларининг раҳбарлари Германия проблемасини ўзаро мақбул бўладиган асосда реалистик тарзда бартараф қилишни астойдил истасалар, биз улар билан бу ҳақда гаплашишга ҳамма вақт тайёрмиз.

Бунга илова қилиб шуни айтмоқчиманки, бу проблеманинг тинч йўл билан ҳал қилинишида уларнинг манфаатдорлиги бизнинг манфаатдорлигимиздан кам бўлмаслиги, эҳтимолки, кўпроқ ҳам бўлиши лозим. Агар Ғарб давлатларининг раҳбарлари, хусусан президент Кеннеди, масаланинг шу тахлитда бартараф қилинишини истасалар, сулҳ музокаралари олиб бормоқ учун думалоқ стол атрофида тўпланишга ҳамиша тайёрмиз, деб аллақачон айтиб қўйганмиз.

Биз айтиб келган гапимизни яна такрор айтамиз: келинглар, сулҳ шартномасини имзолайлик, Ғарбий Берлин учун эркин шаҳар статусини жорий қилайлик, унга зарур гарантияларнинг ҳаммасини берайлик. Яна бунинг устига биз шу гарантияларни амалга оширишга ўзимиз қатнашишга тайёрмиз. Шу гарантияларни қувватламоқ учун АҚШ, Англия, Франция ва Совет Иттифоқининг символик қўшинлари Ғарбий Берлинда туришига ҳам розилик беришга тайёрмиз. Бу қўшинлар унчалик кўп бўлмаслиги, номигагина турган символик қўшинлар бўлиши лозим, чунки эркин шаҳар статусини гарантияламоқ учун Ғарбий Берлинда катта қуролли қучлар талаб қилинмайди. Бу ҳолда мазкур аскарий қисмларнинг коммуникациялари бемалол бўлиши тўғрисида Германия Демократик Республикаси ҳукумати билан битимга келиш мумкин бўлур эди.

Гапнинг пўст калласи: Германия масаласидаги бизнинг позициямиз мана шу, биз мана шу нарса учун курашмоқдамиз. Мен шу нарсани қайта-қайта уқтириб ўтмоқчиманки, биз иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишга ҳаракат қилмоқдамиз, Европадаги вазият, бинобарин, бутун дунёдаги вазият ҳам тозаланишини истаймиз, жаҳоннинг ҳамма халқлари соф ҳаво билан нафас олишини истаймиз, ҳаётнинг ҳаммасидан холи бўлиб яшашларини истаймиз.

Худди шунинг учун ҳам Совет ҳукумати ҳамда гитлерчилар Германиясига қарши урушда қатнашган бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳукуматлари Германия сулҳ шартномасини имзолашни энди ортиқ орқага сурмасликка қатъий қарор қилиб қўйдилар. Агар Ғарб давлатлари сулҳ шартномасини имзолашни истамасалар, бунга биз афсусланамиз. У ҳолда биз сулҳ шартномасини Германия Демократик Республикаси билан имзолашга мажбур бўлиб қоламиз.

Музокараларни қачон ўтказиш яхшироқ бўлур эди, деб савол бердингиз. Мен бунга нима дейишим мумкин? Германия сулҳ шартномаси масаласини ҳал қилишни асло кечиктириб бўлмаслигини ўзингиз тушуниб турибсиз. Шу сабабли, агар Ғарб давлатларининг раҳбарлари Германия проблемасини ўзаро мақбул бўладиган асосда реалистик тарзда бартараф қилишни астойдил истасалар, биз улар билан бу ҳақда гаплашишга ҳамма вақт тайёрмиз.

Бунга илова қилиб шуни айтмоқчиманки, бу проблеманинг тинч йўл билан ҳал қилинишида уларнинг манфаатдорлиги бизнинг манфаатдорлигимиздан кам бўлмаслиги, эҳтимолки, кўпроқ ҳам бўлиши лозим. Агар Ғарб давлатларининг раҳбарлари, хусусан президент Кеннеди, масаланинг шу тахлитда бартараф қилин